

## РЕАЛ СЕКТОРДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Собирова Нозима Нормат қизи,  
ТДИУ тадқиқотчиси  
Email: [sobirova\\_n@gmail.com](mailto:sobirova_n@gmail.com)

**Аннотация:** Ушбу мақолада инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари молиялаштириш жараёни, молиялаштиришда банк тизимининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, реал сектор корхоналарида янги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва унинг самарали жиҳатлари келтириб ўтилган.

**Аннотация:** В этой статье описывается процесс финансирования коммерческих банков, особенности банковской системы в финансировании. Также предусмотрена реформа новых инвестиционных проектов в реальном секторе и эффективность этих реформ.

**Abstract:** This article describes the process of financing commercial banks, the specifics of the banking system in financing. It also provides for the reform of new investment projects in the real sector and the effectiveness of these reforms.

**Калит сўзлар:** реал сектор, инвестиция лойиҳалари, тижорат банклари, инвестицион кредитлаш.

### Кириш

Мамлакатимизда реал сектор тармоқларини модернизациялаш ва техник-технологик янгилаш жараёнларини жадал равишда ривожлантириш асосида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида мамлакатимизга йирик ҳажмда инвестициялар киритишни талаб қилади ҳамда мазкур жараёнда тижорат банкларининг ролини янада оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида инвестиция фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш борасида “Бизда инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узоқ муддатга мўлжалланган ягона концепция йўқ. Ҳар бир давлат ташрифида биз хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича бир неча миллиард АҚШ долларилар келишувларга эришмоқдамиз. Аммо, бу келишувларни амалга ошириш жуда сусткашлик билан бормоқда. Негаки, бу борада аниқ ишлайдиган тизим мавжуд эмас. Амалдаги инвестиция дастурларида аниқ бир лойиҳага оид маълумотлар йўқ.

Дастурларни шакллантиришда Иқтисодиёт вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар фақат рақамлар ортидан қувиш билан банд. Улар шу мақсадда иқтисодий наф бермайдиган, истиқболи йўқ, молиялаштириш манбалари аниқ бўлмаган лойиҳаларни ҳам дастурга қўшиб юбориш, лойиҳа нархини асоссиз ошириб кўрсатиш, бир сўз билан айтганда, кўзбўямачилик билан шуғулланмоқда” дея таъкидлаб ўтилган[1].

Бугунги кунда инвестиция фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, стратегик аҳамиятга молик инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда хорижий инвесторлар учун ишончли ва самарали инвестиция лойиҳаларини тақдим этиш, инвестиция фаолиятида ички манбаларни тўғри йўналтириш ва бу борада тижорат

банкларининг ролини янада ошириш мақсадга мувофиқдир.

Реал сектор корхоналарига тижорат банклари кўмагида банклар томонидан бевосита инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда таркибий ўзгаришлар белгиланганки, асосан кредит маблағлари ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳимдир. Демакки, устувор инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда манбалар тақчиллиги шароитида тижорат банклари маблағларини йўналтириш ҳамда уларнинг ролини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Тадқиқот давомида юқорида таъкидланган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш фаолиятида тижорат банклари ролини оширишга оид изланишлар доирасига иқтисодчи олим П.Самуэлсон “инвестициялаш даромадларни жорий истеъмол учун ишлатмасдан, уларни келажакда кўпроқ фойда олиб, фаолиятни кенгайтириш учун сарфлашдир” деб ўзининг назарий қарашларини илгари сурган[2].

Л.Ж.Гитман, М.Л.Жонкларнинг “Инвестициялаш асослари” номли ўқув қўлланмасида “Инвестиция–капитални жойлаштириш усули бўлиб, у фойда қийматини сақлаб туриши ва унинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатиши керак” [3] деб келтириб ўтилган.

Россиялик олим А.М.Марголин “Инвестициялар” қўлланмасида “Инвестициялар – пул маблағлари, мақсадли банк жамғармалари, қимматли қоғозлар, технологиялар, машина, асосий воситалар ва бошқа мулк кўринишидаги капитал қўйилмаларни, шунингдек, пул қийматига эга бўлган мулк ва номулкий ҳуқуқларни инвесторнинг стратегик мақсадларини кўзлаб ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият объектларига киритишдир” [4] деб таърифлайди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Д.Ғ.Ғозибеков “инвестицияларнинг мазмуни аниқ ва ишончли манбалардан маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рикслар даражасини ҳисобга олган ҳолда капитал қийматини сақлаш ва кўзланган самарани олишдан иборат бўлади” [5] каби таърифни илгари сурди.

Шунингдек, иқтисодчи олим Н.Г.Каримов “Инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш” га доир илмий тадқиқотларида инвестицион фаолиятни қимматли қоғозлар бозори ва тижорат банклари орқали молиялаштириш механизмини такомиллаштириш ҳамда қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибдорлиги таҳлилига қаратилган илмий-назарий ва илмий-услубий тадқиқотларини олиб борган. Ўзбекистон корхоналарининг инвестицион жозибдорлигини ошириш йўналишлари ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил этган [6].

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш ва либераллаштириш шароитида тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари ва назарий жиҳатлари маҳаллий иқтисодчи олимлардан Ф.Ў.Додиев[7], Б.Ш.Муминов[8], М.А.Раимжанова[9], Ш.И.Мустафақулов[10] ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.

Умуман олганда, соҳанинг мутахассис ва олимлари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, иқтисодиётнинг реал сектор

тармоқларини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни тижорат банклари орқали самарали ташкил этиш мавзуси доирасида тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади. Бу эса ўз навбатида, танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

#### **Тадқиқот методологияси**

Мақолада мавзу доирасидан келиб чиққан ҳолда илмий ва назарий тадқиқотлар ўрганилиб, кенг мушоҳада қилинган. Тадқиқотда қўйилган мақсадга эришиш учун аниқ йўналиш танлаб олинган. Соҳага доир статистик маълумот манбаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида тадқиқот стратегияси белгилаб олинган.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишига ички ва ташқи инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш орқали эришиш мумкин. Республикамиз иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ривожланиши ҳукумат томонидан олиб борилаётган оқилона инвестиция сиёсати кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестицияларни молиялаштириш манбаи тарзида банк кредитининг роли, асосан, жамғармаларнинг ўсиш суръатлари, пул, валюта ҳамда капитал бозорларининг ҳолати билан аниқланади ва белгиланади. Молиявий воситачилиқда рақобат муҳитининг мавжудлиги ва умуман Марказий банкнинг пул-кредит, фоиз сиёсати ва банк институтлари стратегияси аниқловчи омиллар сифатида қаралади. Молиявий бозорларнинг асосий роли турли жамғармалар ҳосил килиб, инвестицияларни ишлаб чиқаришга йўналтиришдир.

Молиявий бозорсиз корхоналар ўз-ўзини молиялаштиришга ўтиши зарур бўлади ва бу ҳолат уларнинг ривожланиш имкониятларини чегаралаб қўяди. Молиявий бозорда муҳим ресурслардан бири банк кредитидир. Бунда қарз олувчи учун ссуда капиталига бўлган талаб ва таклифга қараб аниқланувчи фоиз ставкасининг даражаси, депозит бўйича фоиз ставкалари миқдори, мамлакатдаги инфляция даражаси кабилар муҳим саналади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда янги ишлаб чиқаришни ташкил этишда кредит ресурсларини жалб қилиш долзарб масаладир, чунки буларни ҳаммасини амалга ошириш йирик молиявий имкониятларни талаб этади. Мазкур молиялаштириш масаласининг ечими корхоналарга инвестицион кредитлар бериш билан изоҳланади.

*Инвестицион кредитлаш* – ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ёки модернизациялаш, қурилиш ва янги ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтиришдир. Мазкур кредит турини беришнинг асоси корхонада мавжуд бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг янада самарали босқичига ўтишга мўлжалланган инвестиция дастури ҳисобланади. Инвестицион кредитларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан улар бўйича манфаатдор бўлган кредит ташкилотлари кузатув олиб боришади.

Молиявий муассасалар инвестицион кредитларни ўз вақтида сўндириш мақсадида ўз мижозларига молиявий ҳисоб-китобларни юритишда амалий ёрдам беради ҳамда кредитларнинг ишлатилиши устидан назорат қилиб корхоналарнинг инвестицион дастурларида иштирок этади.

Оддий кредитдан асосий фарқи инвестицион кредитлаш фақат мақсадли берилади. Кейинги фарқи шундаки, инвестицион кредитлар узоқ муддатли бўлади. Бу каби кредитларни 3 йилдан 15 йилгача бўлган муддатга олиш мумкин. Бу инвестиция дастурини амалга ошириш ва кўзланган натижага эришиш учун етарли муддат ҳисобланади.

Инвестицион кредитлашда маблағларни қайтариш манбаси бу лойиҳани амалга оширишдан олинган даромад ҳисобланади. Маълумки, инвестицион кредитлаш оддий кредитлашга нисбатан рисклилик даражаси юқори бўлганлиги сабабли унга қўйилган талаб ҳам юқори бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда, хусусан, реал сектор тармоқларида инвестиция фаолиятини ривожлантириш давлатнинг устувор сиёсатига айлантирилган бўлиб, унинг таъминотига эришиш мақсадида соҳага инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикаимизда инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг зарурий ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилганлиги бунинг яққол ифодасидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўплаб фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг қабул қилинганлиги инвестиция муҳитининг ҳуқуқий шароитини яратишга ва мустаҳкамлашга имкон беради.

2017 йилда иқтисодиётнинг нодавлат сектори инвестициялари ҳажми 2016 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 8,4 % пунктга ўсди. Ўзбекистон Республикаси бўйича жами инвестициялардаги нодавлат секторнинг улуши 84,0 % ни ташкил этди, жумладан, Қашқадарё вилоятида 94,7 %, Бухоро вилоятида 92,7 %, Тошкент вилоятида 90,3 %, Андижон вилоятида 88,4 %, Фарғона вилоятида 84,9 % ва Наманган вилоятида 79,4 % га тенг бўлди (1-жадвал).

Реал секторнинг асосий тармоқларига шунингдек, асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: республика бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши 60,3 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар 31,5 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши 8,2 % ни ташкил этди.

2017 йилда реал секторнинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланган қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги учун ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар ҳажми 2004,3 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, жамига нисбатан ўсиш 2016 йилда 3,2 фоиз бўлса, 2017 йилда ўсиш 3,3 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, тоғ-кон саноати бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар ҳажми 12405,3 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, жамига нисбатан ўсиш 2016 йилда 18,1 фоиз бўлса, 2017 йилда ўсиш 20,4 фоизни ташкил этган. Ишлаб чиқариш саноати бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар ҳажми 8746,8 млрд.сўмни ташкил этган.

Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	Жами инвестициялар, млрд. сўм	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: (жами ҳажмга нисбатан, %)						
		Республика бюджети	Давлат мақсадли жамғармалари	Қорхона ва аҳоли маблағи	Тижорат банлари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	Хорижий инвестиция ва кредитлар	Тикланиш ва тараққийт жамғармаси	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси
<b>Ўзбекистон Республикаси*</b>	<b>60719,2</b>	<b>5,5</b>	<b>3,9</b>	<b>43,9</b>	<b>11,0</b>	<b>26,9</b>	<b>8,5</b>	<b>0,3</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	2235,0	9,0	6,4	56,6	13,6	12,0	2,0	0,4
Андижон	2236,0	4,3	5,7	57,4	22,9	8,8	-	0,9
Бухоро	11008,9	0,9	1,9	17,4	2,9	75,0	1,7	0,2
Жиззах	1436,7	7,6	9,5	55,1	18,4	8,7	-	0,7
Қашқадарё	10181,9	1,4	2,4	36,8	3,5	19,2	36,4	0,3
Навоий	2784,5	7,1	2,9	50,7	10,3	13,8	15,1	0,1
Наманган	3052,0	3,8	3,7	42,2	14,4	35,7	-	0,2
Самарқанд	3307,1	7,1	6,1	69,0	14,1	3,5	-	0,2
Сурхондарё	2949,1	8,3	6,9	47,1	12,2	17,4	7,9	0,2
Сирдарё	1324,4	21,7	8,6	38,0	25,2	5,7	-	0,8
Тошкент	4301,8	4,7	2,9	48,5	16,3	18,2	9,3	0,1
Фарғона	2377,4	8,4	3,7	62,2	17,3	8,1	-	0,3
Хоразм	1677,1	8,5	7,3	54,3	14,8	11,8	3,0	0,3
Тошкент ш.	11525,9	6,7	3,7	54,7	14,5	18,8	1,2	0,4

\*Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда.

2017 йилда хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўсиш суръати юқори бўлиб, шу йил январь-сентябрга нисбатан 18,2 % пунктга кўпайди, бу албатта, Қандим конлар гуруҳини ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва газни қайта ишлаш заводини қуриш лойиҳасининг бажарилиши билан боғлиқ (2-жадвал).

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 22,1 % дан 26,9 % га кўпайиб, ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 4,8 % пунктга ошди, мос равишда: Бухоро вилоятида 75,0 % (20,7 % пункт), Наманган вилоятида 35,7 % (10,7 % пункт), Сурхондарё вилоятида 17,4 % (6,5 % пункт), Хоразм вилоятида 11,8 % (5,2 % пункт) ҳамда Тошкент шаҳрида 18,8 % ини (2,4 % пунктга) хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил этди. Шу билан бирга, қуйида келтирилган 2-жадвалда ҳудудларда хорижий инвестиция ва кредитларнинг камайиши кузатилди: Қорақалпоғистон Республикасида 12,0 % (33,7 % пунктга камайиш), Қашқадарё вилоятида 19,2 % (9,5 % пункт), Сирдарё вилоятида 5,7 % (2,6 %

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг статистик Ахборотномаси. 2018 й.

пункт), Фарғона вилоятида 8,1 %ни (2,7 % пункт) ташкил этди.

2-жадвал

**Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш<sup>2</sup>**


Кўрсаткичлар	Хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, млрд. сўм		Асосий капиталга жалб қилинган инвестицияларда хорижий инвестициялар ва кредитларнинг улуши, % да
	жами	шу жумладан, кредитлар	
Ўзбекистон Республикаси	16309,0	4786,0	26,9
Қорақалпоғистон Республикаси	268,6	30,9	12,0
Андижон	197,3	58,1	8,8
Бухоро	8256,9	450,0	75,0
Жиззах	125,2	34,2	8,7
Қашқадарё	1950,9	377,7	19,2
Навоий	385,0	339,0	13,8
Наманган	1088,4	1005,7	35,7
Самарқанд	114,5	68,5	3,5
Сурхондарё	512,8	373,0	17,4
Сирдарё	76,1	19,9	5,7
Тошкент	781,8	634,7	18,2
Фарғона	191,8	40,4	8,1
Хоразм	197,5	129,3	11,8
Тошкент ш.	2162,2	1224,6	18,8

Айнан, 1-расмда 2017 йил январь-декабрида ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг ЯИМ га нисбати келтирилган ва 6,5 % ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1,2 % пунктга кўпайди.

Ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг доллар эквивалентидаги қиймати 3,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, ундан 2,4 млрд. АҚШ доллари тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларни ташкил этди (2016 йилга нисбатан 40,7 % га ўсиш).

Олиб борилаётган инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган чоратadbирлар натижасида тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2017 йилнинг ҳолатига кўра 33,2 % пунктга кўпайиб, 12,4 трлн.сўмни ва жами инвестициялардаги улуши 20,4 % ни ташкил этди.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг статистик Ахборотномаси. 2018 й.



**1-расм. Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш  
(млн. АҚШ долл.)<sup>3</sup>**

Бугунги кунда амалга оширилаётган барқарор инвестиция лойиҳаларини қўйидагиларда кўришимиз мумкин.

Хусусан, республика бюджети ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари:

- Навоий-Конимех-Мискин темир йўл линиясини электрлаштириш ҳамда йўловчи поездларини юқори тезликда юришини ташкил этиш;
- Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактикаси инспекторларига хизмат уйлари қурилиши;
- Ирригация тизимини ривожлантириш бўйича чоралар, йирик ва ўта муҳим объектлардан фойдаланиш хавфсизлигини ва ишончилигини ошириш.

Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган инвестиция лойиҳаларига қўйидагиларни келтириш мумкин:

- Фармацевтика флаконлари ва бошқа шиша идишлар ишлаб чиқариш заводи; Ангрэн ЭИЗ ҳудудида керамик гранитлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- Республика ҳудудларида мева сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш (қуритиш, музлатиш, консервалар ишлаб чиқариш ва б.) объектларини ташкил этиш;
- Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи АЖ ни модернизациялаш ва технологик қайта қурулантириш, замонавий тракторлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш<sup>4</sup>.

Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан амалга оширилган инвестиция лойиҳаларига қўйидагиларни келтириш мумкин:

- ✓ Қандим конлар гуруҳини ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва газни қайта ишловчи заводнинг қурилиши;
- ✓ Хаузак ва Шади конларини ишлаб чиқаришга тайёрлаш, шунингдек Қувачи-Олот конларини кенгайтириш;
- ✓ Хисор инвестиция блоки ва Устюрт ҳудудида маҳсулотни тақсимлаш бўйича битим асосида конлар билан ишлаш ва углеводород қазиб чиқаришни ташкил этиш;

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг статистик Ахборотномаси. 2018 й.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг статистик Ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Тошкент-2018 й. 60-65 бетлар.

✓ Хожисаят газ конденсати конини, Денгизқўл, Хожидавлат ва Шарқий Олот газ конденсати конларини ишлаб чиқаришга тайёрлаш;

✓ Уяли алоқа тизимини ривожлантириш, кенгайтириш. Техник ва технологик қайта қуроллантириш;

✓ Миллий мобил алоқа оператори тармоғини яратиш.

Юқорида келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида айнан, мамлакатимиз инвестицион фаоллигини ошириш ҳамда стратегик инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узоқ муддатга мўлжалланган Инвестицион концепцияни ишлаб чиқиш муҳим ва унда қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1) давлат инвестиция дастури самарадорлигини таъминлашнинг институционал асослари ва инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иқтисодий мақсадларини 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган вазифаларга мувофиқ такомиллаштириш;

2) давлат инвестиция дастурига киритиладиган инвестиция лойиҳаларини лойиҳавий молиялаштириш усулида инвестициялаш, инвестиция лойиҳалари харажатларини мақсадлилиги ва натижакорлигини назорат қилишда корпоратив мониторинг ва контроллинг усулларида кенг фойдаланиш;

3) давлат инвестиция дастурига фақат молиялаштириш манбалари билан юз фоиз таъминланган, шу жумладан, ташқи молиялаштириш манбалари билан аниқ таъминланиши белгиланган лойиҳаларни киритиш;

4) инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда давлат бюджети маблағларининг ҳудудлар бўйича мутаносиб тақсимланишига асосий эътиборни қаратиш, инвестиция дастурларини шакллантириш ҳудудларда аниқ мезонлар асосида олиб бориш;

5) капитал қурилишда ишлар қийматини аниқлаш механизмининг бозор механизмига асосланган усуллар билан такомиллаштириш;

6) мамлакатимизда мавжуд элчихона ходимларини молия ва инвестициялар соҳасида малакасини ошириш.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бугунги тижорат банкларининг инвестицион фаолиятни ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда қўйидаги тадбирларни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир, яъни, ҳар йили тижорат банкларининг инвестицион имкониятларини баҳолаш; тижорат банкларининг инвестицион имкониятларидан мумкин қадар тўлиқ фойдаланиш ва инвестицион ресурсларни фаол ишга солиш; тижорат банклари томонидан реал сектор корхоналарининг имкониятларини ўрганиш, инвестицион рискни баҳолаш ҳамда янги инвестицион лойиҳаларга маблағ ажратишни режалаштириш.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь, № 258.

2. Самуэльсон Пол.А. Экономика: Издание 15. Пер. с англ. М: Бином-Кно Рус,1999. 800 с.



3. Гитман, Лоренс Дж. Основы инвестирования: Учебное пособие Пер.с англ.- М: ДЕЛО, 1997.-1008 с.
4. Марголин. А. М. Инвестиции. М.: РАГС, 2006. – С. 464.
5. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия. 2003. 26 б.
6. Додиев Ф.Ў. Инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш: 08.00.07.: Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси./ЎЗР Банк/молия академияси. – Т., 1998. – 128 б.
7. Муминов Б.Ш. Ўзбекистон иқтисодиётида марказлашган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш йўллари. 08.00.07.: Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси./ЎЗР Банк/молия академияси. – Т., 2012. – 135 б.
8. Раимжанова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш. 08.00.07- “Молия, пул муомаласи ва кредит”. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. / ТМА. – Т., 2012.
9. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибadorлиги. Илмий-амалий қўлланма. Baktria Press. Т.: 2017. 17 б.
10. Ўзбекистон Республикасининг статистик Ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Тошкент-2018 й.